



20 20 yil "24" Ноябрь № 1581

“MUHAMMADJON-ABDULLON BUSINESS”
МЧЖга туман давлат захира ерлари № 4 участкасида жойлашган “Achisyv-1” охак тош кони қисмидан охак тош қазиб олиш каръери (қазилмагохи) учун ер майдони танлаш ва ажратиш ҳақида

Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6,20, 23 ва 78-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси “Махаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6,10,25-моддаларига асосланиб

КАРОР КИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслари кўмитасининг норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қари участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш буйича комиссияси томонидан 09 июл 2020 йилда берилган серия FR тартиб рақами 0185 “Ер қари участкаларида фойдаланиш ҳуқуқи учун” берилган F 5 турли лицензияси асос учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон тумани доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг Шурсув курғони атрофидаги ерларидан “MUHAMMADJON-ABDULLON BUSINESS” маъсулияти чекланган жамиятига туман давлат захира ерлари № 4 участкасида жойлашган “Achisyv-1” охак тош кони қисмидан охак тош қазиб олиш каръери (қазилмагохи) учун ер майдонлари танлаш ва ажратиш тўғрисидаги 2020 йил 20 августдаги далолатномаси тасдиқлансин.

3. “MUHAMMADJON-ABDULLON BUSINESS” маъсулияти чекланган жамиятига “Achisyv-1” охак тош кони қисмидаги қишлоқ ҳужалигида фойдаланмайдиган туман давлат захира ералри № 4 участкаси № 233 қ, 235 қ контурларидаги жами 9,50 га (тўққиз гектар эллик сотих) гектар ер майдонидан охак тош қазиб олиш каръери (қазилмагохи) 09 июл 2020 йилда берилган серия FR тартиб рақами 0185 “Ер қари участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун” берилган F 5 турли литцензиясининг 4 иловасида белгиланган чегараси бўйича 09 апрел 2033 йилгача вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан танлаб, ажратиб берилсин.

4. Ушбу қарорни ижросини белгиланган муддатларда бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг уринбосари И.Нажмиддинов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Қ.Джураев